

"ОБОД ҚИШЛОҚ" ВА "ОБОД МАҲАЛЛА" ДАСТУРИ ДОИРАСИДАГИ ИШЛАР



Қумқўрғон туманидаги "Нурли диёр" маҳалласида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастури бўйича Сув тегирмон ва Қўрғонча кўчаларининг 3.6 км асфалтлаш, Шодлик ва Қўрғонча кўчаларининг 920 метри га бетон тўшама қилиш ҳамда Сувтегирмон, Гулзор, Қўрғонча, Амир Темур ва Нурли диёр кўчаларининг 10500 метрига шағал тошлар ётқизиш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари 1350 метр масофага пиёдалар йўлакчаси ҳамда 1 дона трансформатор ва 69 дона бетон устунлари ўрнатилиб 3.2 км га электр симлари тартиб берилди.